



КУЧ—АДОЛАТДА

2012 йил,
7 декабрь,
жума
№ 48 (405)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.olysud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



ЮРТИМИЗ ДОВРУНИИ ДУНЁГА ТАРАТАЁТГАН ҚОМУСНОМА

Мамлакатимиз Конституцияси халқимизнинг нафқат соҳиши-иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида ифода этган, балки миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлаштирилган қомусномадир. Айнан шу жиҳатлари билан Асосий қонунимиз Ўзбекистонни дунёга танитиши билан бирга, унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Асосий қонундир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилар экан, Конституциямиз бу жараённинг асосий пойдевори бўлиб хизмат килмоқда. Маз-

кур ҳуҷжатнинг муқаддимасида «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб» деган эзгу фоя битилгани ҳам шуни тасдиқлайди. Асосий қонунимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг кафолатлари ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган та-

рақиётимизнинг машҳур беш тамоили ана шундай эзгу фояларни ҳаётга жорий этиши йўлида мухим дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда. Айниқса, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамоили суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга замин яратди.

(Давоми иккичи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Конституциямиз қабул қилинганинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Xabar

Демократик ҳуқуқий давлат асоси

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Конституциямиз қабул қилинганинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев Президентини Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигига бундан йигирма йил мукаддам ишлаб чиқи-либ, қабул қилинган Конституциямиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг мустаҳкам ва аниқ йўлини белгилаб берганини таъкидлади. Зеро, халқимиз қандай юксак ютук ва мараларга эришган, жаҳон ҳамжамиятида мунориб ўрин эгаллаган бўлса, буларнинг барча-бар-

часи замирида, аввало, Конституциямиз, унинг мейёрларига оғишмай амал қилиш принципи турибди.

Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати қатъий белгилаб кўйилган юртимида ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик ҳамияти барпо этишининг мухим омили бўлиб хизмат килмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



Munosabat

Конституциямизнинг дунёвий зътирофи

Дидье МОС,
Франция Олий маъмурий суди Давлат кенгаси аъзоси,
Конституцияий ҳуқуқ ҳалқаро ассоциацияси раиси:

Ўзбекистон Конституцияси билан батафсил танишиб, унинг ривожланган демократик давлатларнинг асосий қонуларига тўлиқ мувофиқ эканини айтишим мумкин. Унда демократик давлат қуришнинг барча асосий тамоилилари — Президентлик институти, ҳукумат, парламент, суд органларининг ваколатлари ва бошкalar ўз аксими топган. Демократиянинг универсал қадрияларига тўлиқ даражада мувофиқ бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгиланган.

(Давоми иккичи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Таълим олишнинг ҳуқуқий кафолатлари



Давлат ва жамият ҳаётида етук билим ва малакага эга бўлган кадрлар ҳал қўйувчи аҳамиятта эга. Бунда, албатта, таълим-тарбия соҳаси мухим ўрин тутади. Шу боис юртимида мазкур тизимни ҳар томонлама ривожлантириш давлатимиз сийматининг устувор йўналишларидан бирни ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг таҳдимномасига муво-фиқ, инсонпарварлик тамоилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Сенати ҚАРОР КИЛАДИ:

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсан (ушбу Қарорнинг 8-бандига кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган холда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ихтиомий ҳавфи катта бўлмаган ёки учча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсан.

3. I ва II гурух ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичда қонунда белгиланган тартибида жазони ўташга тўқсинглик қиласдан озод қилинсан.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтала маҳрум қилиш жазо муддати иккى йил-у ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга киргандан маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаширадиган холатларда қасддан одам ўтириши жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсан.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат оғирлаширадиган холатларда қасддан одам ўтириши жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсан.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тутагилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:
 - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганинг ўтала маҳрум қилиш жазо муддати — учдан бир кискарилсин;

8. Татбиқ этилмасин:
 - а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрబод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта оғир рецидивист деб топилган; жиноят ўюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташга тартибини мунтазам равишда бузатётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсан;

9. Ушбу Қарор 1-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тутагилсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**
Тошкент шаҳри, 2012 йил 5 декабрь

